

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД 5А 120102 - 2.04

2016 йил "9" 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил "22" 01

АСОСИЙ ЧЕТ ТИЛИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100 000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 120 000 - Гуманитар фанлар
Мутахассислик: 5А 120102 - Лингвистика (роман-герман тиллари)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Махкамova Г.Т. - ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти”
кафедраси профессори, п.ф.д.;
- Галиева М.Р. - ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти”
кафедраси доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

- Назирова Ш.О. - ЎзМУ, “Инглиз филологияси” кафедраси доценти,
ф.ф.н.;
- Карaева К.Н. - ЎзДЖТУ, “Замонавий педагогик технологиялар”
кафедраси доценти, п.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Мазкур дастур “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги хужжатда келтирилган меъёрий талаблар, 5A120102– Лингвистика (роман-герман тиллари) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва намунавий ўқув режасига мувофиқ такомиллаштирилди. Ушбу дастур доирасида магистрантларнинг чет тилда коммуникатив компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, ижтимоий, ўқув-когнитив) ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур кўйидаги тамойилларга асосланган:

- дастур чет тили таълими узлуксизлиги ва компетент ёндашув асосида ишлаб чиқилган;

- чет тилини ўргатиш фанлараро, интеграллашган, шахсга йўналтирилган ва коммуникатив-когнитив ёндашувлар асосида амалга оширилади;

- чет тилига ўргатиш магистр-лингвистларнинг коммуникатив компетенцияси, умуммаданий ва касбий компетенцияларини комплекс ва ҳар тарафлама шакллантиришга йўналтирилган;

- таълимнинг асосий объекти – тилни маданият билан ўзаро боғлиқликда ўрганиш, нутқ модуллари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув), тили ўрганилаётган халқнинг ахлоқий меъёрларини ўрганиш;

- таълимнинг касбий йўналиши ўқув материали танлаш, лисоний материал ва нутқ модулларига ўргатиш каби методик жараёнларда ўз аксини топади;

- илмий услуб нутқига ўргатиш академик ёзув ва нотиклик санъати техникаларини ўргатиш асосида амалга оширилади;

- касбий чет тили коммуникатив компетенциясини такомиллаштиришда алоҳида эътибор мустақил ишга қаратилган.

Мустақил иш ахборот технологиялар ва илмий тадқиқотни лойиҳалаштириш методикасини қўллаган ҳолда оғзаки ва ёзма вазифаларни бажаришни ўз ичига олади.

Ушбу дастур умуммутахассислик интеграллашган курсининг етакчи фанларидан бири ҳисобланади. Фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар бакалаврият босқичида олган билимларини янада чуқурлаштириш билан бир қаторда нутқий фаолиятнинг барча турлари бўйича (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) малака ва кўникмаларини ривожлантирадилар.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади - C1 даражасида (CEFR) чет тили компетенциясини эгаллаш, магистрантларнинг илмий-тадқиқот ва касбий малакалари, ҳамда мустақил ишлаш малака ва кўникмаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Фаннинг асосий вазифаси – талабаларнинг касбий, ижтимоий, кундалик мулоқот жараёнида тил бирликларининг қўлланилиш хусусиятлари ва меъёрлари бўйича билимларини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришдан иборат. Шунингдек,

- маданиятлараро мулоқотнинг барча жабҳаларида тил соҳибларига адекват равишда турли жанр ва услубдаги матнларни тушуниш, таҳлил этиш ва тузиш кўникмаларини такомиллаштириш;

- лисоний воситаларни таҳлил қилиш, қиёслаш, синтез ва баҳолаш мақсадида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- оғзаки ва ёзма матнларни тушуниш ва тузиш стратегияларини, ҳамда касбий фаолиятда мулоқотнинг перцептив, интерактив ва информацион тактикаларини эгаллаш;

- оғзаки ва ёзма шаклдаги лойиҳа ва презентациялар тайёрлаш кўникмаларини такомиллаштириш;

- республика, ўқув юртлараро илмий анжуман ва семинарларда сўзга чиқиш мақсадида нотиклик санъати кўникмаларини шакллантириш;

- илмий тадқиқот кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш: илмий ахборотни излаб топиб, интерпретация қила билиш; сараланган ахборотни матнларда умумлаштириш, кенгайтириш ва торайтириш; плагиат (кўчирмакашлик)га йўл қўймаслик, библиографик ҳаволаларни, иқтибосларни тўғри расмийлаштира олиш; турли жанрдаги илмий матнларнинг структурасини, мазмунини таҳлил қилиш;

- чет тилини амалиётда, илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш фаолиятда қўллаш билан боғлиқ бўлган касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;

- танқидий фикрлаш кўникмаларини такомиллаштириш;

- гуманистик дунёқарашни ривожлантириш (эмпатия, раҳмдиллик, бағрикенглик, миллий ва ўзга миллатнинг маданий қадриятларига нисбатан хурматда бўлиш) ҳам фаннинг вазифалари сирасига киради.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Магистрантлар қўйидаги таркибий қисмларини ўз ичига олувчи чет тили коммуникатив компетенциясига эга бўлиши керак:

Тил компетенцияси:

а) лексик компетенция: мавзуларга оид лексикани ва соҳага оид атамаларни илмий даражада ривожлантира олиш; сўз яшаш моделлари асосида сўзлар ҳосил қила олиш;

б) грамматик компетенция: ихтисослашган матнлардаги (масалан, тилшунослик ёки таржимага оид) грамматик структураларни қўллай билиш; артиклни илмий услубда тўғри қўллай билиш; турли матнларнинг лингвистик ёки дискурс таҳлилини қила олиш **тасаввурига эга бўлиши керак**

Гапириш:

Диалог

- илмий ва соҳага оид конференция, давра суҳбатлари, мунозара (жонли ёки воситали) ларда мулоқотни бошлаш, олиб бориш ва якунлай билиш;
- фикрларни аниқ ифодалаган ҳолда муҳокамаларда фаол қатнаша олиш;
- вазиятга мос тарзда тилни мослаштира олиш;
- ўз расмий нуқтаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда қарши томоннинг бир қатор мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда равон ва спонтан тарзда жавоб бера олиш;
- семинар ва муҳокамаларда сўраш, ойдинлик киритиш, нутқни бўлиш ва тўлдириш стратегияларини мос равишда қўллай олиш.

Монолог

- соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш;
- объект, субъект, вазият ва ҳодисаларни батафсил тасвирлай олиш;
- маъруза, муҳокама ёки мақолага тўғри ва равон тарзда хулоса қила олиш;
- илмий нуқтаи назар ёки фикрни ривожлантириш, далиллар келтириш орқали асослай олиш.

Ёзув:

- барча турдаги хатлар;
- барча турдаги иншолар;
- танлаган мавзулари бўйича магистрлик илмий иши;
- соҳага оид мақолалар;
- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлиллар;
- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар;

- турли илмий материалларга хулоса;
- тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадалар;
- грант ва стипендиялар учун таклиф ва аризалар ёза олиши **билимига эга бўлиши керак**

Тинглаб тушуниш:

- ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган абстракт ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқларнинг айрим жиҳатларини оидинлаштириб олиш зарурати туғилса, айниқса сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил диалекти нотаниш бўлган ҳолларда ҳам тушуна олиш;
- кенг кўламдаги идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини фарқлай олиш ва ижтимоий муҳитга мос тарзда тилнинг ўзгариш хусусиятини тушуна олиш;
- кенг кўламли нутқларни аниқ тузилмаган ҳолларида ҳам тушуниш ва улардаги очиқ оидин ва яширин фикрларни ҳам етарли даражада англай олиш;
- муҳокама ва дебатлардаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқотни, мавзулар бирмунча мавҳум ёки нотаниш бўлган ҳолларда ҳам, осонлик билан тушунган равишда кузата олиш;
- кенг қамровли, тилнинг айрим ностандарт ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудио тасма ва ахборот материалларини тушуна олиш ва сўзловчилар ўртасидаги бирмунча яширин қарашлар ва муносабатлар, кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатларини аниқлай олиш;
- фильмларни сленг ва идиоматик ибораларнинг ишлатилиш ҳолларининг аксар қисмини тушунган ҳолда кузата олиш;
- сифат жиҳатдан бирмунча ёмон, овоз эшитилиши ноаниқроқ бўлган оммавий эълонлардан (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар) тегишли маълумот ола билиш **кўникмалари ва малакаларига эга бўлиши керак**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Асосий чет тили” фани мутахассислик фани ҳисобланиб, магистратура босқичининг 1, 2, 3- семестрларида ўқитилади. Магистратура босқичи талабаларига мўлжалланган ушбу фан бакалаврият таълим йўналишидаги “Оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти” фани билан узвий боғлиқ бўлиб, мантикий давомийлигидан далолат беради.

Мутахассислик фани бўйича назарий ва амалий курсларда эгаллаган

билимлар, малакалар ва кўникмалар базасида бўлажак лингвистларнинг чет тили коммуникатив компетенцияси ривожланади ва такомиллашади. Магистратурада ушбу фан умуммутахассислик блоки фанлар ва бошқа ихтисослик фанлар, ҳамда лингвомамлакатшунослик, маданиятлараро мулоқот, чет тилини мутахассислик тили сифатида ўқитиш методикаси фанлари билан чамбарчас боғлиқ.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Асосий чет тили” курси ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Ушбу фан инсонлараро ва маданиятлараро мулоқотнинг оғзаки ва ёзма шаклларида зарур бўлган чет тили коммуникатив ва касбий компетенцияларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу курс турли хил илмий ишлар олиб боришда (мақолалар, тезислар, тақризлар, рефератлар, курс ишлари, магистрлик диссертациясини), ҳамда касбий мулоқот жабҳаларида оммавий сўзга чиқишларда зарур бўлган нотиклик санъати маҳоратини ўзлаштиришга имконият яратади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Магистрантларнинг “Асосий чет тили” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар (group discussion); жамоа лойиҳалари (project work); жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work); яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation); давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion); инсерт техникаси (Insert technique); пинборд техникаси (Pin board); кейс-стади (Case-study); ақлий хужум (brain storming); кластер (cluster); муҳокама (discussion), баҳс-мунозара (debate); кичик ҳимоя (mini-dissertation); ролли ўйинлар (role play); рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш, ассоциатив алоқалар). Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ва компьютерда тестлар ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни

Таълимнинг асосий мазмунига лисоний материал, маданиятлараро билимлар, нутқ фаолиятининг турлари киради. Дастурда нутқ фаолиятининг

хар бир тури модул сифатида белгиланган (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув). Модулларни эгаллаш жараёни интеграллашган ҳолда олиб борилади.

Асосий чет тили курси таълими иккита алоҳида босқични ўз ичига олади: умумтаълим ва касбий. Биринчи босқич ижтимоий, маиший соҳаларда оғзаки ва ёзма нутқ чет тили компетенциясини такомиллаштиришга қаратилган. Иккинчи босқич – илмий услубдаги оғзаки ва ёзма нутқни эгаллашга мўлжалланган.

Асосий чет тили курси бўйича нутқий модулларни ўргатиш жараёнида магистрантлар илмий адабиётлардан фойдаланиш ва унга тўғри ёндашиш ҳамда фикрни оғзаки ва ёзма тарзда илмий услубда баён этишнинг асосий усулларини, нотиқлик санъати, академик ёзув, илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини эгаллайдилар. Асосий ўқув материали сифатида аутентик материаллар (публицистик, бадиий, энциклопедик, шахсий ва расмий мазмундаги хатлар), ҳамда аудио- ва видеоматнлар хизмат қилади. Асосий диққат-эътибор матннинг коммуникатив, мантиқий ва мазмуний жиҳатларини таҳлил этишга қаратилган (матннинг функционал-стилистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда). Алоҳида эътибор магистрантларнинг илмий матнлар (мақолалар, тезислар, тақризлар, шарҳлар, рефератлар, аннотациялар, библиографик хрестоматиялар) билан ишлашига қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, илмий матнларнинг структура ва мазмун жиҳатидан кўрилишини билиш, ҳамда уларни тузиш ва амалиётда қўллаш кўникмаларини билишни талаб этади. Матннинг ахборот ва мазмун жиҳатларини таҳлил этиш жараёнида таҳлил қилинаётган матнлардан кўрилаётган масаланинг моҳиятини, тақлиф этилаётган усулларнинг мазмунини аниқлаш, матндан керакли ахборотни чиқариб олиш тажрибаларига эга бўладилар. Турли жанрдаги илмий матнларни яратиш мақсадида магистр-лингвист академик ёзув техникаларини эгаллайди. Машғулотлар эса илмий услубни (танқидий таҳлил, синтез, баҳолаш, олинган ахборотни тўғри етказа билиш, ахборотни ихчамлаштириш ва кенгайтириш ва ҳ.к.) ўринли ва фаол қўллаш билишни ривожлантиришга қаратилган.

Нутқий мавзулар

Ҳозирги замон дунё муаммолари: гиёҳвандлик, терроризм, жиноят ва жазо, экология, этник низолар, бедаво касалликлар.

Илмий-техник прогресс ва унинг башариятга бўлган таъсири: биоинженерия, нанотехнология, замонавий ахборот воситалари, илғор технологиялар (компьютер, интернет, айпэд), ароф-муҳитнинг ифлосланиши, ишсизлик.

Маданиятлараро зиддиятлар: диний ақидапарастлик, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, жинслараро муаммолар, авлодлар зиддияти, тенг ҳуқуқлилиқ.

Замонавий қадриятлар: ватанпарварлик, маданият ва маънавият, диний, миллий толерантлик.

Соғлиқни сақлаш тизими: соғлом турмуш тарзи, соғлиқни сақлаш органлари, тиббиётнинг Шарқ ва Ғарбда ривожланиши, Ибн Сино - тиббиёт асосчиси, анъанавий ва ноанъавий тиббиёт турлари.

Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг замонавий таълим тизими: ўқув муассасаларининг турлари, таълим босқичлари, таълим моделлари, магистратурада таълим, чет элда таълим олиш.

Касбий ўсиш: ўқитувчи, таржимон, муҳаррир, раҳбар, шахсий хислатлар ва ҳуқ-атвор.

Магистрантнинг илмий-тадқиқот амалиёти: нотиклик санъати, илмий мақола, илмий маъруза, презентация, илмий конференция ва симпозиум, тақриз, менинг диссертациям, мини-ҳимоя, илмий лойиҳалар, муаллиф ҳуқуқи ва патент.

Нутқ фаолияти турлари бўйича:

Тинглаб тушуниш:

- кенг қамровли мавҳум ва мураккаб мавзулардаги матнлар;
- кенг кўламдаги идиоматик иборалар ва оғзаки нутқ намуналарига бой аудио тасмалар, ахборот ва оммавий эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар);
- гуруҳ муҳокамасидаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқот;
- теледастур ва фильмлар;
- ўрганилаётган тил соҳиби бўлган ва бўлмаган сўзлашувчиларнинг турли расмий ва норасмий доиралардаги ёки таълим муассасаларидаги аутентик оғзаки нутқ намуналари;
- соҳага оид маърузалар, баҳс-мунозаралар.

Гапириш:

Диалогик нутқ:

- шахслараро мулоқот ва суҳбатлар;
- оммавий мунозаралар ва расмий муҳокама;
- ўз мутахассислик соҳасига оид бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги маърузалар ва мулоқотлар;

- ишга қабул қилувчи ёки ишга кирувчи сифатида интервьюда қатнашиш;
- аудиторияда қўлланиладиган иборалар.

Монологик нутқ:

- кўрсатмалар;
- тақдимотлар;
- конкрет ёки мавҳум мавзулар бўйича ўз мулоҳазасини билдириш ва уни асослай олиш;
- ўз фикрини асосланган тарзда ифода этиш;
- фикрлар, муҳокама ёки соҳага оид мақола юзасидан умумлашган хулоса чиқариш.

Ўқиш:

- ижтимоий, мутахассислик ёки таълим соҳаларида учраш эҳтимоли бўлган бирмунча узун ва мураккаб матнлар;
- бадиий ва илмий-оммабоп китоблар, шунингдек адабий журналлар;
- газета ва журналлар;
- йўриқномалар (қўлланмалар, таомнома китоблари ва ҳоказо);
- реклама материаллари;
- турли маълумотнома шакллари, ўқитувчи кундалиги, сўровномалар;
- расмий хатлар, электрон хатлар ва ҳоказо (меморандумлар, маърузалар, танқидий баёнотлар/мақолалар, илмий ишлар).

Ёзув:

- маълумотнома шакллари ва сўровномалар;
- иш ва мутахассисликка доир хатлар;
- мавзу танлаш баёоти;
- резюме;
- тезис;
- мини-диссертация;
- таҳлиллар;
- маърузалар;
- иншолар;
- грант ва стипендиялар учун таклиф ва мулоҳазалар;
- расмий ҳужжатлар (шартномалар, битимлар).

Тил материали:

- нутқнинг лексик жиҳати;
- юқорида қайд этилган мавзуларга оид лексика;

- таълим ва мутахассисликка оид лексика;
- сўз яшаш моделлари ва қисқартмалар;
- нуқтаи назар ва қарашларни ифодаловчи сўз ва иборалар.

Нутқнинг грамматик жиҳати:

- ихтисослашган матнлардаги грамматик структуралар (масалан, илмий иншоода мажхул нисбатнинг қўлланилиши);
- дискурс намуналари (масалан, грамматик, лексик ёки мазмун жиҳатдан боғланиш);
- боғловчилар;
- артикл ва белгиловчилар (детерминантлар).

Социолингвистик компетенция

- тилнинг маданият жиҳатлари (масалан, идиомалар, мақоллар ва ҳоказо);
- хулқ-атвор, ўзини тутиш ва этикет қоидалари;
- новербал коммуникация воситалари;
- ижтимоий ва илмий доирага хос тарзда тилни мослаштириш;
- маданиятлараро мулоқотни чуқурроқ тушуниб етиш;
- ўзга миллат вакилларига нисбатан ҳурмат ва толерантлик;
- ўзга маданият ва турли вазиятларга мослашиш.

Прагматик компетенция

- нутқни тушуниш, талқин этиш ва сўзлашдаги тегишли стратегия ва услублар;
- турли дискурслар таркиби ва мазмунини билиш;
- мулоқотдаги бўшлиқларнинг олдини олиш мақсадида тил камчиликларини бартараф этиш;
- расмий ва норасмий доираларда нутқни бўлиш, аниқлик киритиш, бошқача талқин этиш, жумлаларни тузатиш, тўлдириш ва ҳоказо стратегиялар.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий чет тили бўйича олган билим ва кўникмаларини турли матнлар, амалий тақдимотлар, кейслар, турли хил иншолар, гуруҳ муҳокамалар, баҳс-мунозаралар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар

билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Талабаларнинг мустақил иши дастурнинг асосий бўлимлари асосида режалаштирилади ва қуйидаги иш турларини назарда тутлади:

- танланган мавзу бўйича қўшимча тил материали йиғиш, уни таҳлил қила олиш (Library research, Reading Log, Writing Assignment);
- илмий устахоналарда қатнашиш (Scientific workshops, Tutorial);
- сўз бойлигини кенгайтириш (Programme of vocabulary development);
- мини – диссертация ёзиш;
- тил воситаларининг оғзаки ва ёзма нутқда қўлланиш имкониятлари билан янада кенгрок танишиш;
- муайян кўрсатмалар бўйича берилган топшириқларни ёзма бажариш талаб этилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- Берилган мавзу бўйича қўшимча тил материали йиғиш, уни таҳлил қила олиш (Library research, Reading Log, Writing Assignment);
- Дебатларга тайёргарлик кўриш: Илмий-техник прогресс ва уни инсониятга бўлган таъсири: биоинженерия, нанотехнология, замонавий ахборот технологиялари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ишсизлик. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг замонавий таълим тизими. Таълим муассасаларининг турлари, таълим босқичлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, магистратурада таълим, чет элда таълим олиш;
- Илмий мақолалар ёзиш;
- Презентация устида ишлаш: Ҳозирги замон дунё муаммолари: Гиёҳвандлик, терроризм, жиноят ва жазо, экология, этник низолар, касалликлар. Соғлиқни сақлаш тизими: Соғлом турмуш тарзи, соғлиқни сақлаш, тиббиётнинг Шарқ ва Ғарбда ривожланиши, анъанавий ва ноанъавий тиббиёт турлари;

- гуруҳ муҳокамасига тайёрланиш: ватанпарварлик, маданият ва маънавият, диний, миллий толерантлик, экология муаммолари, замонавий ахборот технологиялари;
- лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- мини-диссертацияни презентация қилиш;
- семинарларда иштирок этиш.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдиротлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар:

Инглиз тили

1. Bakieva G.H., Iriskulov M.T., Isamuhammedova N.N., Kim O.G. English for Professional Development. Олий таълим муассасалари магистратура бўлими талабалари учун Асосий чет тили (чет тили) фанидан дарслик. -Tashkent, 2011.
2. Evans V. Successful writing. Berkshire. 2000.
3. Kirkpatrick B., Mok R. Read and Understand. Japan, 2008.

Француз тили

1. Абдушукурова Л.А., Каримова И.А. «Français 3^{ème}» Тошкент, 2009
2. Абдушукурова Л.А., Каримова И.А. «Presse française», Тошкент, 2011

Немис тили

1. Маматов М. Исмоилов Ю. ва б. Deutsch für Hochschulen. Ташкент. 2003
2. Delfin Lehrwerk für Deutsch als Fremdsprache. Lehrbuch Arbeitsbuch. Ismaning 2001
3. Em – Brückenkurs. Kursbuch und Arbeitsbuch. Deutsch als Fremdsprache für die Mittelstufe. Ismaning Max Hueber Verlag 2002

Испан тили

4. Чичин А.В. Учебник испанского языка. М. 2002.
5. Lipatova O.I. Desarrolle sus conocimientos de español. М. 2003

Қўшимча адабиётлар:

Инглиз тили

1. Sanabria K. Academic Listening Encounters: Life in Society. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004

Немис тили

2. Dreyer H.Schmidt R. . Lehr-und Übungsbuch der deutschen Grammatik. Verlag für Deutsch 2000.
3. Anglizismen Wörterbuch. De Gruyter. Berlin. 2001.
4. Usbekistan durch Raum und Zeit. Der sozio-kulturelle Almanach. Sug'diana nashriyoti. Taschkent 2011.

¹ Адабиётлар рўйхатида ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

Испан тили

5. Conjunto. Revistas y periydicos uzbekos, rusos y españoles. M. 2003

Интернет сайтлари:

1. <http://www.learnenglish.org.uk/>
2. www.ricpublications.com
3. www.educationuk.org
4. <http://www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish/>
5. <http://www.channel4.com/learning/>
6. <http://www.better-english.com/exerciselist.html>
7. <http://www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish/business/index.shtml>
8. <http://www.englishclub.com/index.htm>
9. <http://www.bbc.co.uk/schools/teachers>
10. <http://education.leeds.ac.uk/edu-mwe/eltwww.htm>
11. www.teachertrainingvideos.com
12. www.francophonnie.hacherre-livre.com
13. www.portail.lettres.net
14. www.ziyonet.uz
15. www.edu.uz

